



Bayramingiz tuborak, aziz opa-singillar!

TOSHKENT

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Viloyat
ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

1928-yil 11-dekabrda
asos solingan

HAQIQATI

2025-yil 8-mart / SHANBA / № 14 (13775)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Аввало, сиз, азизларни, кўп миллатли бутун юртимиз аёлларини 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мутафаккир бобомиз Алишер Навоий буюк она сиймоси, муътабар аёл зотини улуғлаб, уларнинг бахт-саодати йўлида барчамизни фидокор бўлишга даъват этгани, албатта, бежиз эмас.

Чиндан ҳам, меҳр-оқибат, олижаноблик, муҳаббат ва садоқат каби юксак инсоний қадриятларни камол топтиришда, оила кўрғонини мустаҳкамлашда сизларнинг хизматингизни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Бугунги кутлуғ байрамнинг файзли Рамазон ойида бўлиб ўтаётгани унинг эзгу руҳи ва мазмунини янада оширмоқда.

Муқаддас динимиз ҳам муҳтарама оналаримиз, дилбар опа-сингилларимиз, мунис қизларимизга ҳамиша яхшилик қилишга, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйишга буюради.

Мана шундай қувончли айёмлар барчангизга муборак бўлсин!

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, уларнинг кадр-қимматини улуғлаш Янги Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида етакчи ўринга қўйилмоқда.

Бугунги кунда ҳурматли аёлларимиз турли соҳа ва тармоқларда Ватанимизнинг жадал тарақиёти учун муносиб ҳисса қўшаётганларини миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Масалан, 2017 йилда бошқарув соҳасида ходимларнинг 20 фоизини хотин-қизлар ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам 35

фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизини, Сенат аъзоларининг 27 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Аёлларнинг давлат бошқаруви ва парламент фаолиятидаги иштироки кучайгани жамиятимиз ривожига ҳам ижобий таъсир этаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Энг муҳими, ақл-заковатли, билимли ва истеъдодли хотин-қизларимиз давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида намуна бўлишмоқда.

Ўтган йили Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз делегацияси таркибидagi аёл спортчилардан 3 нафари олтин, 8 нафари кумуш, 3 нафари бронза медалини кўлга киритгани тарихимизда илгари бўлмаган натижадир.

Қизларимиз маданият ва санъат соҳасида ҳам Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришмоқда. Ўтган йили маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро танловларда 25 нафар, мамлакат миқёсидаги кўрик-танловларда эса 71 нафар истеъдодли қизларимиз ғолиб бўлганлари ҳам шундан далолат беради.

Мана шундай аёлларимиз сафи кенгайиши, қизларимиз бунёдкор авлод бўлиб майдонга чиқиши учун келгусида уларга қўшимча шароитлар яратиб берамиз.

Албатта, бундай кенг кўламли ишларимиз халқаро миқёсда ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Қадрли юртдошлар!

Бир ҳақиқатни барчамиз яхши тушуниб олишимиз зарур. Аёлларнинг ташвиш ва машаққати ҳам, зиммасидаги масъулияти ҳам эркакларга нисбатан анча юқори.

Уй-рўзгор ишлари ва фарзанд тарбиясидан ортиб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари, десак, тўғри бўлади.

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг оғирини енгил қилиш, улар учун барча соҳаларда зарур шароитларни яратиб бериш доимо давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Шу боис, янгилашган Конституциямиздаги ижтимоий давлат тамойилига мувофиқ, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишларни тубдан янгича ташкил этмоқдамиз. Бу борада ҳар бир маҳаллада хотин-қизларнинг ҳолати ўрганилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва эҳтиёжманд 1 миллион нафар хотин-қизларимиз "Аёллар дафтери"га киритилди.

Жорий йилда уларнинг ҳар бири билан манзилли ишлаб, ногиронлиги бўлган 162 минг нафар аёлга санаторий, шифохона ва ўзлари яшаётган маҳаллада тиббий ёрдам кўрсатилади, боқувчисини йўқотган 130 минг нафар хотин-қизга моддий ёрдам берилади, яна 6 минг нафар аёлнинг уй-жой шароитларини яхшиланади, меҳнатга лаёқатли ва иш излаётган опа-сингилларимиз ишга жойлаштирилади.

Шунингдек, ҳар йили оғир вазиятга тушиб қолган 50 минг нафар хотин-қиз мамлакатимиздаги сўлим масканларга ўқиш ва ҳордиқ чиқариш учун юборилади. Уларга психологик ёрдам кўрсатилиб, тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш бўйича мотивацион семинарлар ташкил этилади.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

ОҚИЛА ВА МЕҲРИБОН АЁЛЛАР – ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Кўксарой қароргоҳида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, муҳтарама оналар, азиз опа-сингилларни самимий кутлади. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, кадр-қимматини улуғлаш давлатимиз сиёсатида етакчи ўринда эканини таъкидлади.

Хусусан, 2017 йилда бошқарув соҳасида ходимларнинг ўртача 20 фоизини хотин-қизлар ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизини, Сенат аъзоларининг 27 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Бу жамиятимиз ривожига ҳам ижобий таъсир этмоқда. Энг муҳими, ақл-заковатли, билимли ва истеъдодли хотин-қизлар давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида намуна бўлишмоқда.

Ўтган йили Олимпия ва Паралимпия ўйинларида аёл спортчиларимиздан 3 нафари олтин, 8 нафари кумуш, 3 нафари бронза медалини кўлга киритди. Маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро танловларда 25 нафар, мамлакат миқёсидаги кўрик-танловларда эса 71 нафар истеъдодли қиз ғолиб бўлди.

Президентимиз аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларга қўшимча шароитлар яратиб масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

– Уй-рўзгор ишлари ва фарзанд тарбиясидан ортиб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари, десак, тўғри бўлади. Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг оғирини енгил қилиш, улар учун барча соҳаларда зарур шароитларни яратиб бериш доимо давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, янгилашган Конституциямиздаги ижтимоий давлат тамойилига мувофиқ, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам янгича ташкил этилмоқда. Жорий йилда ногиронлиги бўлган 162 минг нафар аёлга санаторий, шифохона ва ўзлари яшаётган маҳаллада тиббий ёрдам кўрсатилади, боқувчисини йўқотган 130 минг нафар хотин-қизга моддий ёрдам берилади, яна 6 минг нафар уй-жой шароитларини яхшиланади, меҳнатга лаёқатли аёллар ишга жойлаштирилади.

Шунингдек, ҳар йили оғир вазиятга тушиб қолган 50 минг нафар хотин-қиз мамлакатимиздаги сўлим масканларга ўқиш ва ҳордиқ чиқариш учун юборилади.

Хотин-қизларнинг саломатлиги – ҳар томонлама соғлом ва қудратли жамият пойдеворидир. Шу мақсадда 230 та туғуруқ муассасаси 21 мингта энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади. Бундан ташқари, жорий йилда 1,5 миллион нафар хотин-қизда саратон касаллигини эрта аниқлаш мақсадида скрининглар ўтказилади.

Қиз боланинг ўқиши бутун оилага наф келтириши яна бир бор таъкидланди. Агар оила билимли, маърифатли бўлса, жамиятнинг онги, маданий даражаси ҳам юксалади.

Талабаларнинг 52 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этаётгани мана шу эзгу ғоянинг амалий натижаси дейиш мумкин. Ўтган йилнинг ўзида магистратурада ўқийтган 15 мингта яқин хотин-қизларга 100 миллиард сўмга яқин контракт пули тўлаб берилди.

Ҳозирги вақтда 6 минг 200 дан ортиқ хотин-қизлар илмий фаолият билан шуғулланаётгани, илмий ишланмаларнинг 25 фоизини олимпиада аёллари яратётгани ҳам, жамиятда уларнинг ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

Меҳнатда тобланган аёл

Пискент тумани ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Зарипа Хилватуллаева 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Президентимиз фармони билан II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

▼ **Нишондорларимиз**

У билан суҳбатлашар эканмиз, ҳаяжонини яширолмади:

– Бу мукофот мени ёнимда ҳамнафас бўлиб, елкама-елка меҳнат қилган барча аёлларникидир, – деди.

Ҳар куни Пискент–Оҳангарон йўлларини кесиб ўтаркан, 3. Хилватуллаева ортда қолган йилларга назар солади.

...Мақтабни битиргач, онаси раҳматининг қўллаб-қувватлаши билан институтга ҳужжатларини топширди. Омади қулиб талаба бўлди.

Иш фаолияти мустақиллигининг илк йилларига тўғри келди. Аввал Оҳангарон шаҳридаги 4-сонли болалар боғчасида тарбиячи, кейинчалик 2-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси, "Қамолот" ёшлар ҳаракати шаҳар бўлими раиси...



3 ➤

Жадид момоларга эргашиб

▼ **Дил изҳори**



Наима АНВАРОВА, Чиноз туманидаги 7-сонли умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:

– Очиғи, мукофотга лойиқ кўрилганимга дастлаб ишонмадим. Чунки давogarлар кўп эди. Шунча иқтидорли ва истеъдодли қизлар билан беллашиб, ғолиб чиқиш осон эмасди. Байрам арафасида менга кўнғироқ қилиб, пойтахтга таклиф этиб, у ерда совриндор қизлар жамлалишини айтишганида ҳам кўнғимда ҳадик бор эди. Энг таъсирланганим: ота-онам Президентимизнинг қарорларини ўқишдию, кўзлари ёшланди. Бу қувонч ва фахр туйғуси эди.

3

ШУ ДАРГОҲДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ...

Чирчиқ шаҳрида барча қулайликларга эга замонавий туғуруқ комплекси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

3 ➤



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси Қ.Рафиқов бу ишларга бош-қош бўлади.

Хотин-қизларнинг саломатлиги — ҳар томонлама соғлом ва қудратли жамият пойдеворидир.

Шу мақсадда юртимиздаги 230 та туғруқ муассасаси 21 мингта энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади. Бундан ташқари, жорий йилда 1,5 миллион нафар хотин-қизда саратон касаллигини эрта аниқлаш мақсадида скрининглар ўтказилади.

Аёллар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммалашиб бораётгани жамиятда соғлом мухитни шакллантиришга катта туртки беришмоқда. Шу боис, бу йил барча маҳаллалардаги 4 миллион хотин-қиз оммавий спорт мусобақаларига жалб қилинади.

Биз бир муҳим ҳақиқатни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз зарур. Аёллар соғлом бўлса — оила мустаҳкам бўлади, уларда маънавий муҳит, ишчанлик кайфияти юксалади, келажакка ишонч ортади.

Бугунги кунда юртимизда 40 мингта ана шундай оила барчага намуна бўлаётгани, ўтган йили уларнинг 208 таси “Ибратли оила” кўрак нишони билан тақдирлангани барчамизни хурсанд қилади.

Биргина мисол. Тошлоқ туманидаги Қўзибевлар оиласи 45 йил давомида барчага ўрناк бўлиб келмоқда. Оила бекаси Муқаддамхон опа умрининг 35 йилини ёш авлодга таълим-тарбия беришга бағишлаган. У киши турмуш ўртоғи билан биргаликда фермер ҳўжалиги ҳам ташкил этиб, тумандаги элликка яқин оилани даромадли қилган.

Яна бир жиҳатига эътибор беринглар. Бу оила 30 дан ортик эҳтиёжманд оилани оталиққа олиб, уларнинг фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиб, таълим олиши, касб-хунар ўрганишига кўмаклашмоқда.

Маҳаллаларда баркамол авлодни вояга етказиш ва камбағалликка қарши курашишда бизга мана шундай ибратли оилалар елкадош бўлиб келаётгани ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистон тимсоли бўлган ана шундай ибратли оилаларга чин дилдан самимий ташаккурларимни билдираман.

Бундай оилалар қанча кўпайса, Ватанимиз шунча кучли, халқимиз шунча қудратли бўлади! Ибратли оила — ибратли ва адолатли жамият учун асос бўлади.

Азиз опа-сингиллар!

Барчангизга яхши маълум, кейинги йилларда хотин-қизларнинг сифатли таълим олишига алоҳида эътибор қаратялмиз.

Мен бир фикрни такрор ва такрор айтишдан сира ҳам чарчамайман.

Битта қизни ўқитсак, бутун оилага таълим берган бўламиз. Агар оила билимли, маърифатли бўлса, жамиятнинг онги, маданий даражаси ҳам юксалади.

Юртимиздаги 203 та олийгоҳ талабаларининг 52 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этаётгани мана шу эзгу ғоянинг амалий натижаси, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Ўтган йилнинг ўзида магистратурада ўқибётган 15 мингга яқин хотин-қизларга 100 миллиард сўмга яқин контракт пули тўлаб берилди.

Хозирги вақтда 6 минг 200 дан ортик хотин-қизлар илмий фаолият билан шуғулланаётгани, илмий ишланмаларнинг 25 фоизини олимпиадаларимиз яратётгани ҳам, жамиятда уларнинг ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Уларнинг

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

орасида халқаро даражада эътироф этилаётган илм-фан вакилларининг борлиги барчамизга чексиз фахр-ифтихор бағишлайди, ёшларимизни янги-янги ютуқларга ундайди.

Масалан, таниқли микробиолог олимамиз Дилфуза Эгамбердиева шўрланган тупроқда серхосил экинлар етиштириш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари учун ЮНЕСКОнинг нуфузли Карлос Финлей халқаро мукофотиغا сазовор бўлди.

Аёллари ўқимишли ва касб-хунарли бўлган юртда тинчлик ва тарақиёт бўлади. Аёллари маърифатли бўлган халқ, албатта, бахтли бўлади.

Шу боис, ҳар бир оиладаги қизларимиз боғча, мактаб билан тўлиқ қамраб олинчи, замонавий касб-хунар ва чет тилларини эгаллаши, олий маълумотга эга бўлиши учун бундан буён ҳам барча шароитларни яратамиз. Хусусан, бу йил 250 минг нафар қизимиз олий таълимга қамраб олинади. Бу 2017 йилга нисбатан 3,5 карра кўп. Натижада ҳар бир маҳалладан 25-30 нафар хотин-қиз олийгоҳларда таълим олиш имконига эга бўлади.

Бунинг учун Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси З.Маҳкамова, Мактабгача ва мактаб таълими вазирни Х.Умарова ҳар бир мактабда юқори синфда таълим олаётган қизларимиз билан ишлашни индивидуал ёндашув асосида ташкил этиб, уларни олийгоҳларга тайёрлайди.

Бу йил шароити оғир оилалардаги иқтидорли ёшларни хорижда ўқитиш бўйича “Ёрқин келажак” лойиҳасини бошлаялмиз. Ушбу лойиҳа доирасида камида 200 нафар қизимиз ҳар йили дунёнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юборилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирни Қ.Шарипов, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирни Б.Зоҳидов, Савдо-саноат палатаси раиси Д.Ваҳобов тизими эса яна 250 минг нафар хотин-қизни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш учун масъул бўлади.

Ўрнатили анжуман иштирокчилари!

Биз халқимизнинг розилигини, аввало, сизларнинг розилигингиз, деб тушунамиз.

Бу борада аёлларимизни безовта қилаётган энг катта масала, бу — ишсизлик. Шу боис, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича катта дастурларни амалга оширялмиз. Ўтган йилнинг ўзида бу мақсадларга 17 триллион сўм кредит ажратилди. Ана шундай эътибор туфайли аёл тадбиркорларимиз ўтган йили 81 триллион сўмлик маҳсулот яратиб, 450 миллион долларлик экспортни амалга оширгани, албатта, таҳсинга сазовордир.

Масалан, Навоий шаҳрида қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркор Шаҳноза Каримова 50 нафар эҳтиёжманд хотин-қизни ўқитиб, ишга олган. Шулардан 10 нафарига уй-жой сотиб олиш учун бошланғич тўловни тўлаб берган.

Энг муҳими, бундай саховатпеша тадбиркор аёллар барча ҳудудларимизда кўплаб топилади. Улар “Мен — бунёдкор аёлман” деган лойиҳани илгари суриб, маҳаллаларда минглаб аёлларни касб-хунарга ўқитиб, даромадлай қилиш ташаббусини билдиргани, тўғриси, мени жуда руҳлантирди.

Мен ўзига катта ижтимоий масъулият олган мана шундай ишбилармон хотин-қизларни “Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари” деб биламан ва уларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман. Уларга қандай қўшимча шароит ва ёнгилликлар ке-

рак бўлса, яратиб беришга тайёрман.

Шу борадаги амалий қадам сифатида Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тадбиркор аёллар кенгашини ташкил этсак, нима дейсизлар?

Ушбу кенгаш жойларда аёл тадбиркорларни қийнаётган ҳаётини муаммоларни ҳал қилиш бўйича тўғридан-тўғри парламент олдига масала қўйса, ўйлайманки, айнаи муқддо бўлади.

Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Нодира Шотурсунова бу ишларга бош-қош бўлади.

Бу йил 2 миллион нафар аёллар бандлигини таъминлаш, шундан 1 миллион 300 минг нафар хотин-қизни тадбиркорликка



жалб этиш бўйича катта марралар олганмиз. Бунинг учун тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун қулай молиявий пакетлар тақдим этилади.

Мисол учун, “Миллий банк” (бошқарув раиси А.Мирсоатов) хизматлар соҳасида камида 200 минг нафар хотин-қизнинг лойиҳаларига кўмаклашади. “Туронбанк” АТБ (бошқарув раиси Ч.Мирзаев) лимончиликда 150 минг нафар аёллар даромад топиши учун арзон кредитлар тақдим этади.

Худди шунингдек, “Микрокредитбанк” АТБ (бошқарув раиси О.Бўтаев) паррандачиликда — 160 минг нафар, “Саноат қурилиш банк” АТБ (бошқарув раиси А.Ақбаржонов) сабзавот ва кўчатлар етиштиришда — 160 минг, “Халқ банки” (бошқарув раиси Ш.Отабоев) узум, брокколи ва маҳаллий қарам етиштиришда — 150 минг, “Агробанк” (бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Э.Қаҳқоров) боғдорчилик йўналишида — 144 минг, “Бизнесни ривожлантириш банки” (бошқарув раиси С.Аннақлиев) кўчат, бўлғор қалампери, бақлажон ва помидор етиштиришда — 94 минг, “Асакабанк” (бошқарув раиси Қ.Тўлаганов) фармацевтика ва узумчиликда — 82 минг, “Алоқабанк” (бошқарув раиси К.Ирисбекова) IT, асалиричилик ва мева-и экинлар етиштиришда 58 минг нафар аёлларимизни банд этишга кўмаклашади.

Шу мақсадда бу йил маҳаллаларда аёллар тадбиркорлиги лойиҳалари учун қўшимча 3,3 триллион сўм ажратилади. Хусусан, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида яна 100 миллион доллар бе-

рилади. Бунга қўшимча равишда тижорат банклари ҳам 100 миллион доллар жалб қилиб, маҳаллаларда ўзини ўзи банд қилган хотин-қизларга 50 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратади.

Ўтган йили ташкил этилган “Ҳамроҳ” компанияси янги тизим асосида Тадбиркор аёлларни кўллаб-қувватлаш дастурини бошлаган эди. Бу лойиҳага ҳам 100 миллион доллар ажратганмиз.

Кредитини вақтида тўлаган аёл тадбиркорларга ушбу дастур доирасида 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит беришни бошлаймиз.

Шунингдек, маҳаллада 5 нафар аёлни бизнесга олиб кирган 1 минг нафар “устоз”



тадбиркорларга 50 миллион сўмгача грант ажратилади.

Марказий банк (Т.Ишметов) тижорат банклари билан бирга икки ой муддатда банкларда хотин-қизлар учун янгича ёндашув асосида молиявий хизматларни йўлга қўйиш учун масъул бўлади.

Масалан, туғруқ таътилига чиққан аёллар учун банк кредитлари бўйича тўлов муддати 10 ойгача узайтирилади.

Энди аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича 4 босқичли янги тизимни йўлга қўямиз.

Биринчи босқичда бизнесга қизиққан, лекин қўнимқаси бўлмаган 20 минг нафар хотин-қиз тадбиркорликка ўқитилади. Бунга Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов, Н.Шотурсунова) масъул бўлади.

Иккинчи босқичда “Халқ банки” (Ш.Отабоев, Г.Рашидова) ўзини ўзи банд қилган 100 минг нафар аёлнинг кичик тадбиркор бўлиши учун кўмаклашади.

Учинчи босқичда ҳар бир туманда 2 тадан кичик корхонани намунали ўрта бизнес даражасига олиб чиқишга “Ҳамроҳ” компанияси (Д.Нурматова) масъул бўлади.

Тўртинчи босқичда Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов) энг фаол 50 нафар аёл тадбиркорни йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ошадиган “чемпион тадбиркор”га айлантиради.

Жорий йилда 60 та туманни “ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд”га айлантириш бўйича катта марра олганмиз. Бунга қўшимча равишда ҳокимлар ҳар бир вилоятнинг 2 тадан туманини ишсиз аёллар қолмайдиган ҳудудга айлантириш учун масъул бўлади.

Умуман, 2025 йил аёллар бандлигини таъминлашда ҳал қилувчи йил бўлади.

Хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, ишли қилиш ва тадбиркорлигини ривожлантириш ҳисобидан 2 миллион нафар аёлнинг бандлиги таъминланади.

Бунда Марказий банк (Т.Ишметов) тижорат банклари билан 1 миллион 300 минг нафар, Касаба уюшмалари федерацияси (Қ.Рафиқов) “Аёллар дафтари”га киритилган 636 минг, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси (З.Маҳкамова) тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 100 минг нафар хотин-қизни ўқитиб, иш билан таъминлаш ва бизнесини очишга кўмаклашиш учун масъул бўлади.

3.Маҳкамова, Қ.Рафиқов бугун айтилган ҳар бир йўналиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини вилоят, туман, маҳалла даражасида самарали ташкил этишга масъул бўлади.

Т.Норбоева маҳаллий кенгашлар билан бирга бу ишларни тизимли назоратга олиб, масъуллар иштирокида уларни мунтазам муҳокама қилиб боради.

Муҳтарама опа-сингиллар!

Бугунги кунда ҳаётимиз, одамларнинг турмуш тарзи, тафаккури, дунёқараши ва маданияти тобора янгилашиб бормоқда.

Олдимишга барча соҳа ва йўналишларда ғоят улуғвор мақсадларни қўймоқдамиз.

Бунга эришиш учун биз таянадиган етук авлодни тарбиялаб, вояга етказиш сиз, азизларнинг — фидойи оналарнинг қўлида.

Шунинг учун сиз, муҳтарама аёлларимизга улкан таҳсинлар айтиб, сизларни кўллаб-қувватлашдан ҳеч қачон чарчамаймиз.

Ўрнатили анжуман иштирокчилари!

Бугунги байрам муносабати билан меҳнат фаолияти ва жамоат ишларида катта натижаларга эришган, эл-юртимиз ўртасида ҳурмат ва эътибор топган муҳтарама аёлларимиздан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак ордени ва медаллари билан тақдирландилар.

Шунингдек, ўзининг билими, иқтидори ва одоби билан тенгдошларига намуна бўлиб келаётган қизларимиздан 28 нафари турли соҳалардаги ютуқлари учун Зулфия номидаги давлат мукофотиغا сазовор бўлдилар.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари барчангизга муборак бўлсин!

Сизларни ўз номидан, бутун халқимиз номидан яна бир бор чин ғўрақдан табриклаб, келгуси ишларингизда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Доймо соғ-омон бўлинглар!

Қадрли юртдошлар! Муҳтарама опа-сингиллар!

Бугун биз мард ва олижаноб халқимизга, унинг бунёдкорлик салоҳиятига ишониб, бошлаган улкан ислохотларимизни қатъий давом эттиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз лозим.

Жонажон Ватанимизнинг янги юксалиш даврини барпо этишда азиз аёлларимиз доимо олдинги сафда бўладилар, деб ишонаман.

Сизларни бугунги қутлуг байрам билан бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, дунёдаги энг катта бойлик — оилавий бахт-саодат ёр бўлишини тилайман.

Доймо фарзандларингиз ва яқинларингиз, эл-юртимиз ардоғида юриш насиб этсин!

ОҚИЛА ВА МЕҲРИБОН АЁЛЛАР — ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Ҳар бир оиладаги қизлар боғча, мактаб билан тўлиқ қамраб олинчи, замонавий касб-хунар ва чет тилларини эгаллаши, олий маълумотга эга бўлиши учун бундан буён ҳам барча шароитлар яратилади. Хусусан, бу йил 250 минг нафар қиз олий таълимга қамраб олинади. Бу 2017 йилга нисбатан 3,5 карра кўп. Яна 250 минг нафар аёл касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилади. “Ёрқин келажак” лойиҳаси доирасида камида 200 нафар қиз ҳар йили дунёнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юборилади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш масалаларига алоҳида тўхталди.

Шу борадаги амалий қадам сифатида Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тадбиркор аёллар кенгашини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Ушбу кенгаш жойларда аёл тадбиркорларни қийнаётган ҳаётини муаммоларни ҳал қилиш бўйича тўғридан-тўғри парламент олдига масала қўйиш ваколатига эга бўлади.

Бу йил маҳаллаларда аёллар тадбиркорлиги лойиҳалари учун қўшимча 3,3 триллион сўм ажрати-

лади. Хусусан, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида яна 100 миллион доллар берилади. Бунга қўшимча равишда тижорат банклари ҳам 100 миллион доллар жалб қилиб, маҳаллаларда ўзини ўзи банд қилган хотин-қизларга 50 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратади.

Қайд этилганидек, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича 4 босқичли янги тизим йўлга қўйилади.

Биринчи босқичда бизнесга қизиққан, лекин қўнимқаси бўлмаган 20 минг нафар хотин-қиз тадбиркорликка ўқитилади. Иккинчи

босқичда ўзини ўзи банд қилган 100 минг нафар аёлнинг кичик тадбиркор бўлишига кўмаклашилади. Учинчи босқичда “Ҳамроҳ” компанияси ҳар бир туманда 2 тадан кичик корхонани намунали ўрта бизнес даражасига олиб чиқишга масъул бўлади. Тўртинчи босқичда энг фаол 50 нафар аёл тадбиркор йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ошадиган “чемпион тадбиркор”га айлантирилади.

Умуман, бу йил касб-хунарга ўқитиш, ишли қилиш ва тадбиркорлигини ривожлантириш ҳисобидан 2 миллион нафар аёлнинг бандлигини таъминлаш мақсад қилинган.

— Олдимишга барча соҳа ва йўналишларда ғоят улуғвор мақсадларни қўймоқдамиз. Бунга эришиш учун биз таянадиган етук авлодни тарбиялаб, вояга етказиш сиз, азизларнинг — фидойи оналарнинг қўлида, — деди давлат раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 3 мартдаги қарорига биноан 28 нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан, 4 мартдаги фармонга мувофиқ, меҳнат фаолияти ва жамоат ишларида катта натижаларга эришган бир гуруҳ аёллар ордени ва медаллар билан тақдирланган эди. Тадбирда ана шу юксак мукофот-

лар тантанали равишда топширилди.

Маросим сўнггида Шавкат Мирзиёев халқимиз номидан аёлларни яна бир бор табриклаб, эзгу тилаклар билдирди.

— Барчангизга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, дунёдаги энг катта бойлик — оилавий бахт-саодат ёр бўлишини тилайман. Доймо фарзандларингиз ва яқинларингиз, эл-юртимиз ардоғида юриш насиб этсин, — деди Президент.

Байрам доирасида «Ўзбекистон» анжуманлар саройида тантанали концерт намойиш этилди.

Тул бир ёну Сиз бир ён

Хотин-қизлар байрами арафасида аёлларга энг кўп тортиқ қилинадиган совға бу – гул. Совға ҳар қанча қимматбаҳо бўлсада, гулдастасиз, унча ўхшамайди-да.

Азандан Тошкент туманида гулчилик ривожланган. Деҳқончиликдан фарқи ўлароқ, гулчиликдан йилнинг исталган мавсумида ҳосил ва даромад олиш мумкин. Мисол учун, пола сабзавотларга қараганда кам меҳнат ва харажат талаб қилади. Аммо даромади мўмайгина. Шунин билан туманининг "Сабзавот" маҳалласидагилар лаола етиштиришнинг ҳадисини яхши ўзлаштиришган. Ҳар бир ерга қадалган пиёз, албатта, униб чиқади. Мижозлар лоланинг бозорга чиқишини кутиб ўтирмайдилар, гулчилардан донасини 12 минг сўмдан улгуржи сотиб олишмоқда.

— Жами иссиқхонамизнинг майдони 16 гектар, шундан 4 гектарда замонавий 5-авлод иссиқхоналари барпо қилганмиз, — дейди тadbиркор Бекзод Салимов. — Айни пайтда 2 гектар майдонда помидор, 2 гектарда турли гуллар, 20 сотихда эксперимент тариқасида лаола экканмиз. Голландиядан 50 турдан зиёд лаола пиёзларини келтирдик. Ҳосилимиз ички бозордан ортмади. 200 минг доллар соф даромад олдик. Гулчилар яхши билишади, бизда энг харидоригир "мавсум" февраль ойининг 15 дан мартнинг 15 гача бўлади.

Урта Чирчиқ туманининг "Мустақиллик" маҳалласида яшовчи Мунира Ўрмонова ҳам 15 йилдан бери гулчилик билан шуғулланади.



— 8 сотих иссиқхонамизда гулларнинг турли нави етиштирамиз, — дейди Мунира опа. — Уруғни Голландиядан оламиз. Бу йил фрезия, гербера ва чиннигул экдик. Ҳали байрам бошланмасидан харидорлар кўтарасига олиб кетишди. Айниқса, чиннигулга талаб кўп бўлди. Улгуржигача ҳар донасини 10 минг сўмдан таркатдик. Яна гулчиларга маза эканда, деб ўйламанг. Бунинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Ҳар бир гулни ёш боладек парваришлаймиз, совуқ кунларда туни билан мижжа қоқмай чиққан кунларимиз бўлган. Сабаби, иссиқхонани кўмир билан иситамиз, мунтазам назорат қилиб турамиз. Шунга қарамай, бу йилги совуқ гулларимизга озгина зиён етказди. Даромад эса насибага яраша бўлади. Утган мавсумларда 50-60 миллион сўм даромад олганмиз.

Сўнгги йилларда турли тувакларга экилган гулларни совға қилиш ҳам урфга кирган. Бекобод туманидаги "Лолазор ифори" деҳқон хўжалиги

рахбари, "Дўстлик" ордени соҳибаси Санобар Рўзиқулова аҳолига шундай гулларни етиштириб бермоқда. Хўжаликнинг гулчиликдан олган йиллик даромади 48 миллион сўмни ташкил этди. Бу ерда 5 та иш ўрни яратилган бўлиб, туманда жойлашган ташиқлотларга тувакда сальвия, петунья, бананза, вербена гулларини етказиб беришади.

— Аввалига банкдан 9 миллион сўм кредит олдик, — дейди С. Рўзиқулова. — Ишни гул уруғларини олиб келиб, кўчат қилишдан бошладик. Уруғнинг униб чиқиши ва ривожланиши учун қулай жой ва шароит яратганимиздан сўнг ишга киришдик. Натижа ёмон бўлмади. Тўрт ой давомида кўчатларни сотиб, фойда олдик. Кейин ишни кенгайтириш мақсадида шахсий томорқамиздаги 3 сотих ерни иссиқхонага айлантирдик. Гул навларини ҳам кўпайтириб бордик. Бизнинг ишда гулни қачон экиш ва қандай парваришлашни билиш жуда муҳим. Вақтида сув, минерал ўғит ҳамда ўсишини тезлаштирувчи дорилар берилса, гуллар бир текис очилади. Утган йили голланд лоласини ҳам экиб, яхши

фойда қилган эдик. Шунингдек, хона гуллари ҳам етиштирамиз. Айниқса, бегония, фикус, пальма гулларига талаб катта. Бизда ҳаммаси ҳисоб-китобли. Бир килограмм пальма уруғи 700 минг сўм. Унинг учдан бир қисми экилганда мингдан зиёд ниҳол униб чиқади. Бу гулнинг майда кўчати 3-4 минг сўм, йириги 35-40 минг сўмдан сотилади. Келгуси йили яна бир гектар ер олиб, иссиқхонани кенгайтириш ниятидамиз. Нафақат гул, балки биогумус тайёрлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Бука туманининг "Кўкорол" маҳалласида истиқомат қилувчи Насиба Абдурахмонова қизлари Нилуфар ва Фазилатлар билан сунъий гуллардан турли қўрилишдаги гулдасталар ясаб, одамларни хурсанд қилишмоқда.

— Байрам арафасида нафақат табиий гуллар, балки сунъий гулдасталарга ҳам эҳтиёж ортади, — дейди Насиба. — Аслида мен ҳам гул шайдосиман, хонадонимизда турли гуллар етиштирамиз. Биз қўл меҳнати билан ясаган сунъий гуллар ҳам табиийсидан қолишмайди. Кундан-кунга гулдасталаримизнинг харидорлари кўпаймоқда. Турли тувак ва кўзаларга жойлаган гулларимиз айти совғабоп бўлиб, хонадону офисларга ўзгача фойз беради.

Хуллас, гул эккан кам бўлмайди. **Нигора ЭРКИНБЕКОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири**

Жадид момоларга эргашиб

Сабаби сўнгги 6 йилда кетма-кет ҳужжат топширдим. Ҳар сафар қайтарилганимда ҳали вақти эмас экан, демак яна изланишим керак, деб ўзимга мақсад қўярдим. Болалигимдан китоб ўқишга, адабиётга қизиқар эдим. Айниқса, болалар адабиётига оид асарларни топиб ўқишга ҳаракат қилардим. Шу сабабли Ўзбекистон миллий университети журналистика факультетининг филология ва тилларни ўргатиш йўналишига ўқишга кирдим. Ҳозирда "Ўзбек болалар адабиётининг шаклланиш тарихи" номли илмий иш ёзмоқдам. Орада 5 та китобим чоп этилди, болалар адибларининг 9 та бадиий китобини нашрга тайёрлашда кўмаклашдим. 20 га яқин бадиий-публицистик мақолаларим маҳаллий газета ва журналларда, 10 дан ортқ илмий мақола ва тезисларим эса халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуман тўпламларида чоп этилди. Айниқса, 2022 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, ШХТ ҳамкорлигидаги "Санъат ва адабиёт: илмий-амалий изланишлар" номли халқаро конференцияда иштирок этганим ҳаётимдаги яна бир қувончли воқеа бўлган.

Ҳозирда Чиноз туманидаги 7-умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт фанидан дарс бераман. Ўқувчининг адабиётга қизиқишини янада ошириш мақсадида китобхоналар клубини ташкил қилдик. Унда "Бир ҳафтада битта китоб" лойиҳаси асосида болалар билан китоб ўқиймиз ва уни муҳокама қиламиз. Ҳар бир машғулотиимизда болалар мутлоаа завқини ҳис этишлари учун ҳаракат қиламан.

Мукофотланганимни эшитганлар табриқлашганида янада ҳаяжонланялман. Айниқса, ўқувчиларимнинг табриғи бу мукофотнинг масъулияти катта эканини аңлатмоқда. Олдинда мақсадларим кўп. Албатта, бахтли ўзбек қизларидан бири бўлиб, юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамни қўшаман.

Ойша ЎРОЛОВА, Ангрэн шаҳридаги "Янгиобод келажак сари" оилавий корхонаси раҳбари:

— Ангрэннинг сўлим тоғ этакларида туғилиб ўсдим. Ота-онам доимо билим олишим ва интилишларимни қўллаб-қувватлашлари бугун ўз мевасини бермоқда. Баҳорнинг илк кунларида Президентимизнинг қарорига кўра, Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланганим орзуларимдан яна бири ушлаганидан далолат беради. Яширмайман, шу мукофотни олганларга ҳавасим келарди ва менга ҳам насиб этсин, деб ният қилардим. Бироқ мен на адабиётчи, на шоира ва на спортчи эдим.

Лекин Юртбошимизнинг ёш тadbиркорларга имконияти яратиб, жамоатчилик йўналишини ҳам қўшганлари айти мулоаа бўлди. 2019 йили шу йўналиш бўйича иштирок этиб, республика босқичи ўтполмаганман. Лекин тушунлиққа тушмай, мақсадим йўлида ҳаракат қилишдан тўхтамадим.

Мен раҳбарлик қиладиган меҳмон уйлари Ангрэннинг тоғли ҳудудиде жойлашган. Шу боис

сайёҳлар оқими ҳам яхши. 2016 йилда ижарага олинган меҳмонхона биноси 16 ўринли бўлиб, 4 та иш ўрнига эга эди. Ушанда ёшларга берилган имкониятлардан фойдаланиб, имтиёзли кредит олдик. Йилма-йил фаолиятимизни кенгайтириб, аввалига 40 кишилик меҳмонхона очиб, 9 кишининг бандлигини таъминладик. Ҳозирги кунда меҳмонхоналар сони 4 тага етди ва 150 ўринга эга. Мухими, 30 га яқин ёшлар ва аёлларни иш билан таъминладик.

Хабарингиз бор, Зулфия номидаги давлат мукофотини олиш учун ёш чегараси белгиланган. Бу йил мен учун охириги имконият эди. Қарангки, байрам арафасида хуш

хабар эшитдим. Бу мукофотни тadbиркорларга берилган имкониятлар самараси, деб биламан. Дарвоқе, меҳмонхоналаримиздан тушаётган йиллик даромад 3-5 миллиард сўмни ташкил этади. Бу яхши яшаш, янги ғоя ва лойиҳалар учун сармоа дегани. Биз йилдан-йилга тажриба ва малакамизни ошириб, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга дунёнинг энг зўр меҳмонхоналаридан қолишмайдиган даражада хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари тайёрлашди

Вилоят бўйлаб

Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси ТОШКЕНТ вилояти Кенгаши томонидан Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан "Аёлга эҳтиром" деб номланган байрам тадбири ташкил этилди. Унда турли идораларнинг қасаба уюшма ташкилотларида фаолият юритаётган 128 нафар хотин-қиз тақдирланди.

АНГРЕН шаҳридаги 32-давлат мактабгача таълим ташкилотиде жажжи болажонлар иштирокида хотин-қизлар байрамига бағишлаб қизиқарли дастур тайёрланди. Тадбирда онажон ва бувижонларни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар янгради.

ПИСКЕНТ туманида байрам арафасида аёллар учун ифторлик дастурхони ёзилди. Унга туман ободонлаштириш идораси ходимлари, қишлоқ хўжалиги илғорлари, шунингдек, 29 маҳалланинг кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган аёллари тақлиф этилди.

БЕКОБОД шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабиде "Қизларжон" клуби томонидан 9-10-синф ўқувчилари ўртасида "Мактабимиз маликаси" курик-танлови ўтказилди. Унда бешта шарт бўйича беллашган иштирокчилар ўзларининг билимдонлиги, пазандачилиги, миллий урф-одат ва қадриятларимизни билиш қобилиятларини намойиш этишди.

Очилиш маросимида Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова, вилоят ва шаҳар масъуллари, депутатлар, нурунийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Айни пайтда шаҳарда 171 минг 608 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар йили 3,5 мингга яқин туғуруқлар қайд этилади. Шу кунга қадар аёлларга шаҳарда жойлашган Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази вилоят филиалида хизмат кўрсатилар, бу эса қатор нуқулайликларни юзага келтираётган эди. Айтиш жоизки, 13 млрд. 222 млн. сўмдан зиёд маб-

Меҳнатда тобланган аёл

Тажрибаси ортгани сари лавозими ҳам кўтарилди борди. Мутахассислиги педагог бўлишига қарамай, қаерга юборилса ўша ерда фидойилик билан ишлади. Оҳангарон, Олмалик шаҳарларида ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қизил Ярим ой жамияти вилоят Кенгаши раиси, Оҳангарондаги "Ватан" маҳалласида тadbиркор-

салаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлашни ўз шioriға айлантирди. Кези келганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқди. Аҳолининг кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амал-



ликини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси бўлди. Сўнгги бир йилдан зиёд вақт мобайнида Пискент тумани ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ҳа, бугун кўпчилик танийдиган аёл иш фаолиятини қийин даврларда бошлади. Аммо ҳар қандай шароитда хотин-қизларнинг муаммоларини тинглаб, ёрдамга муҳтож, оғир ижтимоий аҳолига тушиб қолган, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатди. Имкон қадар уларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тadbиркорликка, хунарамдчиликка кенг жалб этиш ма-

га оширишда камарбаста бўлди. Маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини доимо қўллаб-қувватлади. Нурунийларнинг билими ва бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик туйғусини янада мустаҳкамлашда самарали фойдаланади.

Қарийб 34 йилдан бери оиласи ва жамият ўртасида мустаҳкам кўприк қурган Зарипа опа бугун турмуш ўртоғи Усмонали ака ҳамда 3 нафар фарзанди, 6 нафар набираси ардоғида.

Биз ҳам Зарипа опани мукофот билан қўллаб, келгуси ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Нигора ЎРОЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири

ШУ ДАРГОҲДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ...



Очилиш маросимида Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова, вилоят ва шаҳар масъуллари, депутатлар, нурунийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Айни пайтда шаҳарда 171 минг 608 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар йили 3,5 мингга яқин туғуруқлар қайд этилади. Шу кунга қадар аёлларга шаҳарда жойлашган Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази вилоят филиалида хизмат кўрсатилар, бу эса қатор нуқулайликларни юзага келтираётган эди. Айтиш жоизки, 13 млрд. 222 млн. сўмдан зиёд маб-

лағ эвазига капитал таъмирланган туғуруқхона, патология, гинекология, катталар реанимация бўлимлари, шунингдек, қақалоқлар интенсив палаталаридан иборат 101 ўринли янги мажмуа 1 млрд. 836 млн. сўмлик тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланган. Тез орада "Ишонч-2030" лойиҳаси доирасида яна 23 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилади.

Тadbирда сўз олганлар мазкур тиббиёт маскани кўп йиллар аҳолига хизмат қилиши, бу ерда туғилажак фарзандлар оилаларга бахт олиб келишини таъкидлашди.

Шундан сўнг рамзий тасма қирқилиб, меҳмонлар муассасада яратилган шароитлар билан танишишди.

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)

Кўксингда мангу ишқ бўлиб қоламан...

Ташкент вилоятида яшаб, ижод қилаётган шоирларимизнинг оҳорли сатрларини ўқисангиз Аёл олами ва қалбининг мунаввар туйғуларига ошно бўласиз. Уларда назик ҳиссиётларга қоришиқ тафаккур, нафис туйғулар билан вобаста шижоат, Тўмарис момолардан қолган кўнгил озодлиги мужассам.

Қалби муҳаббат ёғдуси билан покланган, юрт ишқи, эл ташвиши билан яшаётган шоирларимизнинг ижод намуналаридан байрам гулдастаси тайёрладик. Ўқиб, завқ олинг.

▼ Байрам мушоираси

БОЛАЛИК БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Мен улғайдим...
Энди юлдузлар
Афсоналар айтмайди оқшом...
Шўх-шаён кўшиқ куйлаган еллар
Шивирлайди маънос, паршон...

Мен улғайдим...
Энди буюмининг
Эртаклари – ёлгон уйдирма!
Ақл равшан тортгани сари
Хиралашиб борадир дийдам...

Рангин тушлар эди поёнсиз,
Меникйди кушлар қаноти.
Энди рангсиз кунларим аро
Шарпа янглиғ кезади хотир...

Мен улғайдим...
Афсус, одамлар
Бола дея алдамас энди...
Инжа ҳислар урнида чигал
Хаёлларим чувалар тентиб.

Яна чорлар юлдузлар рақси
Айтмаса-да қадим фасона.
Болаликнинг хушбўй исидан
Ёғду сочар зулумот хонам...

Ирода РАҲМОНАЛИЕВА

ЁШЛИГИМНИ КЎРДИМ БУГУН ТУШИМДА

Ёшлигимни кўрдим бугун тушимда,
Баҳор билан бирга сайр этармиш у.
Камалак тўр ташлаб ақлу хушимга,
Гул баргида биллур тутармиш кўзгу.

Ёғду сочиб осмон ярқираб турар,
Офтобга қизғалдоқ ёйганмиш гилам.
Сойлар ўзанидан тошиб, чулдирар,
Капалаклар уйнаб, учар ушбу дам.

Нурлар шодасига солиб ҳалинчак,
Арғимчоқ учардим шодланиб, қулиб.
Олам безанганмиш мисли келинчак,
Қолганмишман ёшлик фаслимга кириб.

...Лопазор кўйида кўрдим ўзимни,
Гулларга қўшилиб кўнглим яйрарди.
Чашмалар сувига чайдим юзимни,
Қайлардадир қушлар чаҳ-чаҳ сайрарди.

Ажабо, кўзимни ҳеч очгим келмас,
Туш мени шунчалар этганди сархуш.
Барини эсладим тонг чоғи элас,
Кўрганганимни бугун энг чиройли туш!

Поёнига етиб, уйку тарк этган,
Еллар март эшигин чертарди наҳор.
Ёшлигим тушимда қолдириб кетган,
Остонамдан кириб келганди баҳор!

Саодат МУСАЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

ГУЛ ДЕСАНГ

Гул десанг, мен албат гулга дўнаман,
Кул десанг, мен албат кулга дўнаман.

Нур дегил, мен чақмоқ бўлмоғим тайин,
Самони титратиб, сўнгра сўнаман.

Булоқ де, гувранай шаршара бўлиб,
Дарё де, денгизга айланай қулиб.

Тоғ дегин, самога чўққим етади,
Қуёш де, андуҳлар эриб кетади.

Сочларим тун дегил, юлдуз бўламан,
Богимсан, де, ўлмас илдиз бўламан.

Хаётимсан, дегин. Ўйга толаман.
Кўксингда мангу ишқ бўлиб қоламан.

Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

ТУФИЛГАН КУНИМГА

Қандай эди бу очун асли,
Гулгунмиди богдаги гуллар.
Қандай эди, қирмизи ё ол,
Бахтлимиди менсиз бу кунлар.

Дил ойнасин ёмғирлар ювиб,
Кетганмиди азалий доғлар.
Чўкса ҳамки, ичига чўкиб,
Тик турганми бугунги тоғлар!

Бежиз эмас Холиқнинг иши,
Олам турса кўзёшдек тўлиб.
Башар аҳлин бахтли қилай деб,
Келгандирман қатра нур бўлиб...

Наргиза АСАДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

ХУТ КЕЛДИ

Бош кўтарди ўт-ўлан,
Челак тўла сут келди.
Айтдим дилда ўт билан –
Хут келди-ё, хут келди!
Хут келди-ё, хут келди!

Қирда кўрдим бугдойни,
Элнинг нони бут келди.
Дилга шодлик сиғмайди.
Хут келди-ё, хут келди!
Хут келди-ё, хут келди!

Қанисиз, чолғучилар?
Танбур билан уд келди.
Оёқдан чалгучилар,
Хут келди-ё, хут келди!
Хут келди-ё, хут келди!

Битсин қирғинбаротлар,
Юзлари шувут келди.
Кетсин оху фарёдлар
Хут келди-ё, хут келди!
Хут келди-ё, хут келди!

Юрагим ёняптими –
Чап кўксимдан дуд келди.
Тарадудланиб турсам,
Хут келди-ё, хут келди!
Хут келди-ё, хут келди!

Йигит ёзган мактубга
Қиздан жавоб – “Кут!” келди.
Ҳаммаимизни куттирган
Хут келди-ё, хут келди!
Хут келди-ё, хут келди!

Кумуш
АБДУСАЛОМОВА,
Зулфия номидаги
давлат мукофоти
соҳибаси

МЕНДА ҲЕЧ ВАҚО ЙЎҚ СЎЗИМДАН БОШҚА

Менда ҳеч вақо йўқ сўзимдан бошқа,
Валекин бошим тик, яшайман мағрур.
Борлиқ денгизлари тўлса ҳам ёшга,
Ёзаман кўклари кучганин гурур.

Менда ҳеч вақо йўқ сўзимдан бошқа,
Кўзгуда акс этган бир жасад, холос.

Вужудни беркитиб турган матопар
Менлиқни қулликдан қилолмас халос.

Менда ҳеч вақо йўқ сўзимдан бошқа,
Оқ қоғоз – сирдошим, қалам – бардошим.
Орзулар йироқлаб кетгани қачон?
Булутни қучмоқ-чун ер ўпар бошим.

Менда ҳеч вақо йўқ сўзимдан бошқа,
Кўнгилни ранжитиб, шод этар ҳам у.
Менинг юрагимда беркинган дунё
Сўзимнинг бошида бошлана мангу.

Хулқар ШЕРЗОДОВА,
Зулфия номидаги давлат
мукофоти соҳибаси

Гўзал опа-сингилларимиз, мўътабар онажонларимиз байрами бўлгани учун бу гал интервьюга ҳам халқимиз яхши биладиган шўх-шаддоод актрисаларимизни тақлиф қилдик.


Эл суйган санъаткор Доно БОБОХОНОВАНИ сизга таништириб ўтиришнинг ҳоҳати йўқ. “Гап йўқ” ҳажвий кўрсатувини, “Бозор кўрмаган йигит”, “Аразласанг, ўламан!”, “Тилим қурсин” каби комик фильмларни ёдга олсангиз бас.

– Доно опа, “Келин-куёв ШОУ” деган телекўрсатув ёдингизда бўлса керак. Ўшанда Соат Шарипов ШОУда қатнашаётган эр-хотинлардан доимо “Илк танишувингиз қандай бўлган эди?” деб сўрай эди. Мен ҳам шу савол билан...

– Ох, укажоним-а, энг гуллаган ёшлик чоғларимни эса солиб юбордингиз-а! Менинг турмушдошим, саҳнадошим, болаларимнинг отаси Исмамет Эргашев бўладилар. Эсимда, театрга янги ишга келган кунларим эди. Драматург Максим Каримовнинг “Ун саккиз ёшлигим” деган лирик драматини саҳнага қўйишимиз керак. Муҳаббат ролини мен ижро қиламан, унинг ошиги Равшан ролини Исмамет Эргашев. Шу асарда Равшаннинг Муҳаббатга дил изхори айтадиган саҳнаси бор. Иккимиз ҳам ёш актёримиз, тажрибамиз йўқ. Диалогимиз сира кўнгилдагидек чиқмапти-да! Охири режиссёрнинг жаҳли чиқиб кетди. “Менга қараларинг!” – деди овозини кўтариб. – Мана шу диалог табиий чиқмагунча сенлар ҳам саҳнадан тушмайсанлар! Менга деса, ун марта, юз марта такрорланглар! Лекин менга натижа бўлиши керак!”

Бутун гуруҳ тушлик қилгани чиқиб кетишди. Биз шумшайиб

қолавердик. Ана шунда, иккимиз ёлғиз қолганимизда Исмамет акангиз менга севги изхор қилганлар. Мен, содда бўлмай кетай, ошигим рол-



даги сўзларини қайтаряпти-да, деб уйлабман. Йигит шўрлик эса мени ростанам яхши кўриб қолган экан... Шу боис ролниям “ёндириб” уйнаб бердик. Шундан кейин Шум бола айтганидек, саҳналарам “ёнди”, диалогларам “ёнди”, муносабатларам “ёнди”...

– Доно опа, ярим асрдирки, саҳнадасиз. Театрларимиз фаолияти ҳақида ҳам икки оғиз...

– Кейинги пайтларда томошабинни кўпроқ комедияга ўргатиб қўйдик. Чехов “Театр – бу кафедра” деган эди. Театр фақат ёнгила қарқоҳа маскани бўлиши керак эмас. Аввало, унда ҳаёт фалсафасини кўрсатишимиз ва кўпроқ тарбиявий масалалар

га тўхталишимиз лозим. Балки классик асарларни замон муаммоларига мослаш керакдир...

– Доно опа, исмингиз жисмингизга муносиб – Доносиз. Мулоқотимиз “Блиц-интер(в)ью-медия” эканлигини эслатмоқчиман. Мухбир укамнинг саволлари бир кинодан, бир винодан деб ажабланманг. Навбатдаги саволим: Сизни

жуда яхши пазанда дейишади...

– Тушундим. Демак, “Бозор кўрмаган йигит” фильми ҳақида сўрамоқчисиз, шундайми? Тўғри, кўзларингиз алдамаган. Лағмон чўзишимни макташади. Бу фильм режиссёри Толиб Каримов эдилар. У киши, “Доно опа, озгина лағмон чўзсангиз, тўрт киши еб, қолганлар қараб ўтиришади”ми? Сиз бир йўла йиғирма кишига етадиган хамир қилаверинг, сўямкадан кейин ижодий гуруҳдагиларнинг ҳаммаси қорнини тўқлаб олади”, дедилар. Мен “эрим” – Равшан ака Солиқовга қараб лағмон чўзяман. Ҳар замонда улар

томонга қараб, “Оляпсизларми?” деб кўяман. Режиссёр эса “Ола-миз, ола-миз, опа, сиз чўзаверинг” дейди. Охири сабрим тугаб, “Толибжон, ола-мизлар-ку, ҳозир хамирим қанзиб қолади” десам, кўрмагур, “Бўпти, улгурмадик, шу саҳнани эртага ола-миз”, дейди-да! Биринчи сафар индамадим. Эртаси куни қўлларим толиқиб яна йиғирма кишилик лағмон чўзганман. Қарасам, кун охирида яна ўша



гап. “Э нима, мен сизларни овқатга тўйдиришнинг қабилини олганмидим?” деб хафа бўлдим. Неча бор узр сўраб, учинчи кун тасвирга олишди. Аммо ижодий гуруҳ уч кун бизнинг ҳисобдан роса лағмон-хўрлик қилишган. Шунанга, укажон, санъат аҳли шўх бўлади. Сал пишикроқ бўлмасангиз, қулоққа лағмонни или-иб кетишади.

▼ “Ҳақиқат” чойхонаси

– Ўзбекларда кайфияти ёмон одамни “қовоғидан қор ёғпти” деб таърифлашади. Айтинг-чи, шу ҳолатни яна қандай изоҳлаш мумкин?

– Бир китобда “Кулгу кўз ёши каби ҳимоянинг бир йўли, аммо ундан яхшироқ, чунки кулгуда “намгарчилик” камроқ” деган иборани ўқиган эдим.

– Сиз кўп айтиб юрадиган ҳикмати ибора?

– Куч ва кўрк – ёшлик беағи. Қарилликнинг беағи эса заковат ва мулоҳазакорликдир.

– Қариллик ҳақида кўп гапирасиз. Лекин Сизга қараган одам 56 йилдан бери саҳнадаман деган гапга ишониши қийин. Кўз тегмасин, ёш кўри-наси.

– Доимо ижоддаимиз, изланиш-даимиз. Шукрим, қаришга вақт топилмапти. Энг қизиги, охири йилларда мен қатнашган ҳамма спектакллардаги “эрларим” ўзимдан 10-15 ёш кичик.

– Доно опа, энди бир донолик тестини ўтказсак. Мен бир топишмоқ айтман...

– ... Мен уни ҳажвийнамо давом эттираман, шундайми? Хўп, қани, айтинг жумбоғингизни!

– Етти ўлчаб, бир кес!

Сўхбатдошим ўйланиб қолдилар. Осонидан айтсам бўларкан, хижолат қилиб қўйдим деб турсам, опа қулиб давом этдилар:

– ...Олтитаси ўзинга, бири етар ёнингдаги қароқўзингга!

Чойхонамиз чойпази: Тўхтамурад ҲАСАНБОВ



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAUQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G’afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Nozima RASULOVA
Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 21.30.

Nashr ko’rsatkichi – 205.

Buyurtma G-335.

4 528 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qo’g’oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro’yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo’li ko’chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko’chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
teriladi va Tohir Mahmudxo’jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.